Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 13-iyun, shanba, № 72 (3577)

- Янгиликлар
- Воқеалар
- Хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг педагогик ва касб даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш;

юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш;

олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши;

олий ўқув юртлари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб бориши учун кенг фойдаланиши.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш борасида мамлакатимизнинг ушбу йўналишларда Докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш илмий кенгашлари, зарур услубий, ўқув-лаборатория ва ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган замонавий моддий-техник базага эга 15 та етакчи олий ўқув юртини олий таълим муассасалари раҳбар ва педагогик кадрларини қайта тайёрлашни ташкил этиш бўйича Таянч олий ўқув юртлари сифатида белгилашга доир таклифи 1-иловага мувофиқ қабул қилинсин.

Қуйидагилар Таянч олий ўқув юртларининг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

қайта тайёрлашнинг тегишли йўналишлари бўйича доимий фаолият кўрсатадиган олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этиш;

ушбу курсларда машғулотларни сифат жиҳатидан юқори ташкилий ва профессионал даражада ўтказиш учун зарур ўқув-услубий ва моддий-техник базани шакллантириш;

олий ўқув юртининг етакчи ўқитувчиларини ва Докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича илмий кенгаш аъзоларини, шунингдек, мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртларининг юқори малакали ўқитувчилари, хорижий мутахассислар, ўқув-услубий ходимлар ва амалиётчи мутахассисларни шартнома асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув машғулотларини олиб бориш учун кенг жалб этиш;

(Давоми 2-саҳифада).

Ўзбекистон — БМТ:
ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 11 июн куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида 12 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг учрашуви бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 193 мамлакат аъзо бўлган энг йирик халқаро тузилмадир. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан олти ой ўтиб — 1992 йил 2 март куни ушбу нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлган. Тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш, экология, таълим, маданият, туризм каби кўплаб соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда.

Ушбу ташриф Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги самарали мулоқотни давом эттириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, ядро қуроли тарқалишига қарши курашиш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, экология муаммоларини ҳал этиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро терроризм ва наркотрафик хавфига қарши курашиш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича фикр алмашиш учун яхши имконият бўлди.

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари БМТ фаолиятига ҳамоҳангдир. Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудудга айлантирилди.

Мамлакатимизда БМТнинг бир қатор тузилмалари — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Жаҳон банки, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Тараққиёт дастури, Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бошқармаси, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури каби ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатаётир. Улар билан ҳамкорликда 440 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Айни пайтда етмишдан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётир.

— Ўзбекистонда Сизни кўп йиллардан буён халқаро хавфсизликни таъминлаш, ядросиз дунё ғоясини илгари суриш, барқарор тараққиётнинг инсоният учун долзарб вазифаларини, шунингдек, экологик, ижтимоий ва гуманитар хусусиятга эга кўплаб муҳим глобал муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали фаолият юритаётган, жаҳон ҳамжамиятида юксак обрў ва эътирофга сазовор бўлган таниқли сиёсий арбоб сифатида яхши билади, — деди Ислом Каримов.

Сўнгги 15 йилда барча давлатлар учун ўзига хос комплекс йўналиш бўлган Мингйиллик ривожланишнинг юксак мақсадларига эришиш, шунингдек, келажакнинг янги кун тартиби — Барқарор ривожланиш мақсадлари БМТ фаолиятида муҳим ўрин тутади.

— Сизнинг Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон Республикасига БМТ раҳбари сифатида бу галги ташрифингиз минтақада юзага келаётган вазият билан бевосита танишиш ва барчамизни ташвишга солаётган долзарб муаммолар юзасидан батафсил фикр алмашиш учун ажойиб имкониятдир, — деди Президентимиз. — Аввало, радикаллашув, зиддият ва зўравонликнинг авж олаётгани, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликнинг кучайиб бораётгани, жаҳон молиявий инқирозининг ҳамон давом этаётгани жиддий ташвиш туғдирмоқда. Дунёдаги аҳвол тобора чигаллашиб бораётган шароитда биз БМТни глобал хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш бўйича ягона универсал халқаро ташкилот, кўплаб мураккаб давлатлараро ва халқаро муаммоларни ҳал этадиган ноёб тузилма, деб биламиз.

— Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим тизимини такомиллаштиришда улкан ютуқларни қўлга киритди, — деди Пан Ги Мун. — Ушбу муваффақиятлар барқарор ва инсон манфаатларига йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасидир.

Бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Музокаралар чоғида томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга кенг кўламли масалаларни муҳокама этиб, Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослаштирилган институт ҳамда агентликлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилади.

Ўзбекистон халқи Пан Ги Муннинг 2010 йилдаги ташрифи чоғида Оролбўйи ҳудудига боргани ва бугунги куннинг кенг кўламли глобал экологик фожиаларидан бирига жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир бор қаратганини яхши эслайди.

Маълумки, Оролбўйини тобора кенгайиб бораётган чўл қамраб олмоқда. Сўнгги 50 йилда Орол денгизи майдони 4 баробардан кўпроққа қисқарди, сув ҳажми 10 марта камайди ва минераллашуви ҳам шунча кўпайди. Бу нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидаги, балки ундан узоқдаги ҳудудларда ҳам ҳаёт сифати, аҳоли саломатлиги ва генофондига салбий таъсир кўрсатаётир. Оролбўйи аҳолисининг мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларини БМТ билан биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ва яқин ҳамкорликсиз ҳал этиб бўлмайди.

2014 йилда Урганчда “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилаётган Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинган “Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури”ни шахсан қўллаб-қувватлагани учун Пан Ги Мунга миннатдорлик билдирди.

Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш масалалари, Афғонистон муаммолари ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Пан Ги Мун Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида кўп томонлама муҳокамаларда фаол иштирок этаётганини, минтақавий ҳамда глобал масалаларни ҳал этишга ҳисса қўшаётганини алоҳида қайд этди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Афғонистонда барқарорликни таъминлаш ва ривожланишига қўшаётган ҳиссасини юксак баҳолади.

БМТ Бош котиби Афғонистонга қўшни ва дўст мамлакат сифатида Ўзбекистон ушбу мақсадларга эришиш учун кенг кўламли ёрдам кўрсатаётганини алоҳида эътироф этди. Мамлакатимиз халқаро молия институтлари, чунончи, Осиё тараққиёт банки қўмагида транспорт коммуникацияларини қуриш лойиҳаларини амалга оширмоқда, Афғонистон аҳолисини электр энергия билан таъминлаб, инсонпарварлик ёрдами кўрсатмоқда.

Томонлар Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг ягона йўли — сиёсий музокаралар олиб бориш, ички келишувларга эришиш, бунинг учун қулай халқаро муҳит яратиш, молиявий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни давом эттириш, бу борада БМТнинг фаол иштирок этишидан иборат эканини таъкидлади.

Ислом Каримов Ўзбекистон БМТ ва унинг институтлари билан изчил ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. Ушбу ташкилот билан самарали ҳамкорликни, жумладан, шу йилнинг охиригача Мингйиллик ривожланиш мақсадларига ва Бош Ассамблеянинг навбатдаги йиғилишида қабул қилиниши режалаштирилаётган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини таъкидлади.

Пан Ги Мун БМТнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги янада самарали бўлишига ишонч билдирди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2016-2020 йилларда ривожланишга кўмаклашиш бўйича ҳадли дастурининг имзоланиши ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун шу куни Бухорога ташриф буюрди ва шаҳарнинг тарихий обидалари, замонавий иншоотлари билан танишди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири

СИРДАРЁ

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан Гулистон мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида “Инсон азиз — хотираси муқаддас” мавзусида уч авлод учрашуви ўтказилди.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Коллежда ишлаб, бугунги кунда пенсия ёшида бўлган 18 нафар фахрий меҳмон сифатида таклиф этилган тадбирда ушбу даргоҳнинг очилиш тарихи, мустақиллик натижасида ёшлар учун бугунги кунда яратилган шароитлар ҳақида сўз борди. Коллеж касаба уюшма қўмитаси томонидан фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Босимбек МАЛТАЕВ,
коллеж касаба уюшма қўмитаси раиси

НАВОИЙ

Вилоятда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастурига кўра Қизилтепа туманидаги 4 та фермер хўжалиги негизида 500 тонна сиғимга эга музлаткич омборхоналар ташкил этилди.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ — БОЗОРЛАР КЎРКИ

— 150 миллион сўмлик банк кредити эвазига омборхона қурдик, — дейди “Уста Қодир” фермер хўжалиги раҳбари Амин Ўроқов. — Технологияларимизнинг барчаси Хитойдан келтирилган. Омборхонамизда август ойидан бошлаб кузгача жамғариладиган мева-сабзавотлар қиш давомида сифатли сақланади. Феврал, март, апрел ойларида маҳсулотлар бозорга чиқарилади. Ҳозирда янги тармоқда 8 нафар ишчи меҳнат қилаяпти.

О. МУСТАФОЕВ

СУРХОНДАРЁ

Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармасининг Узун тумани бўлими томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида 25 нафар фахрийнинг Самарқанд, Бухоро ҳамда Термиз шаҳарлари бўйлаб саёҳати уюштирилди.

НУРОНИЙЛАР САЁҲАТДА

— Саёҳат давомида муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш имконига эга бўлганимдан ҳамда истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишганимдан хурсандман, — дейди Узун туманидаги “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 79 ёшли нуроний Нарзиқул бобо Раҳмонов. — Ташкилотчиларга мингданминг раҳмат. Уларнинг биз кексаларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан беҳад мамнунмиз.

Рустам ДАВЛАТОВ,
“Ishonch” мухбири

ЎзА сурати

“ТАШАББУС — 2015”

ТАШАББУС: ТАДБИРКОРЛИК, ФЕРМЕРЛИК, ҲУНАРМАНДЛИК

“Туркистон” саройида 11 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Ташаббус — 2015” кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди

Тадбиркорларимиз, фермерларимиз ва ҳунармандларимиз учун жорий ёз фасли ҳаяжонли ва қизиқарли воқеаларга бой бўлмоқда. Улар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1996 йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий “Ташаббус” кўрик-танловининг якуний босқичида иштирок этди.

Танловнинг номида ҳам ўзига хос рамзий маъно мужассам. Жорий йилда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган анъанавий кўрик-танловда 6,2 мингдан зиёд тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди. Кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида ғолиб бўлган 41 нафар иштирокчи мамлакат босқичига йўлланма олди. Улар хизмат кўрсатиш, хўжалик фаолияти ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ташаббускорлик ва фаолликни намоён этиб, мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларини мустаҳкамлаш, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, “Ҳунарманд” уюшмаси томонидан тегишли вазирлик ҳамда идоралар ҳамкорлиги ва кўмагида ташкил этилди. Кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад бизнес муҳитини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, тадбиркорларнинг касб маҳорати ва билим даражасини юксалтириш борасида зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат.

“Туркистон” саройида ташкил этилган экспозиция нафақат ҳакамлар ҳайъати ва иштирокчилар, балки танловга ташриф буюрган кўплаб юртдошларимиз ва хорижий меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Турли товар ва буюмлар — озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, маиший техника, кийим-кечаклар, мебель, миллий заргарлик безаклари, гилам ва бошқа кўплаб маҳсулотлар саховатли заминимизнинг бунёдкорлик қудратини ёрқин намоён этди.

(Давоми 2-саҳифада).

2015-yil 13-iyun, shanba, № 72 (3577), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича зарур ахборот-маълумот базасини шакллантириш, замонавий инновацион педагогика, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва қайта тайёрлаш жараёнига татбиқ этиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчилар учун уларнинг очиқ маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиши, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган педагогик амалиётни ташкил этиш;

курсларнинг вилоятлардан келган тингловчиларига қайта тайёрлаш ва малака ошириш даврида олий ўқув юртлари турар-жойларидан жой ажратиш бўйича чоралар кўриш.

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Таянч олий ўқув юртлари сифатида белгиланган олий ўқув юртлари ректорлари зиммасига қайта тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан юксак савияда ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

идоравий мансублигидан қатъи назар, мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари уч йилда камида бир марта доимий асосда 1-иловага мувофиқ Таянч олий ўқув юртларининг доимий фаолият кўрсатадиган курсларида қайта тайёрлашнинг тегишли йўналишлари бўйича қайта тайёрланиши ва малакасини ошириши шарт;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш 2-иловага мувофиқ Олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш курси ўқув режасининг янгиланган намунали тузилмаси асосида ишлаб чиқилган 288 соатлик махсус дастурлар бўйича икки ой давомида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади;

курслар якунида тингловчилар ҳар бир Таянч олий ўқув юртида ташкил этиладиган олий ўқув юрти ректори ёки Фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш раиси раҳбарлигидаги илмий кенгаш аъзолари, ўқув-услубий ишлар соҳасидаги йирик мутахассислардан ташкил топган камида 7 кишидан иборат Аттестация комиссиялари томонидан ўтказиладиган аттестациядан ўтади;

Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига 3-иловага мувофиқ давлат намунасидаги қатъий ҳисобдорлик ҳужжати ҳисобланган малакавий аттестат берилади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунлари бўйича аттестациядан ўтолмаган олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрлари белгиланган муддатда такрорий қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтиши шарт;

олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрлари такрорий аттестациядан ўтолмаган тақдирда, олий таълим муассасаларида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини йўқотади ва улар билан асосий иш жойи бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш якунларига кўра, аттестациядан муваффақиятли ўтган педагог кадрлар тегишли йўналиш бўйича бўш педагог лавозимини эгаллаш танловидан ўтишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади;

Таянч олий ўқув юртларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчиларнинг асосий иш жойида эгаллаб турган лавозими ва ўртача иш ҳақи ўқиш даврида сақлаб қолинади.

Олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган курслар фаолияти 2015 йилнинг 1 сентябридан ташкил этилсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2015 йилнинг 1 августига қадар олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш курси ўқув режасининг тасдиқланган Намунали таркибини инобатга олган ҳолда, олий ўқув юртлари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича янгиланган малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларининг ишлаб чиқилиши ва ўрнатилган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

5. Мамлакатимиз олий ўқув юртларининг раҳбар ва ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш жараёнларини ташкил этиш борасидаги ишларни аниқ ва самарали мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида доимий фаолият юритадиган Идоралараро комиссия ташкил этилсин ва унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг замонавий талабларга мувофиқ ўз касб даражасини мунтазам ошириб боришдан манфаатдорлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича мазкур Фармонда кўзда тутилган вазифалар бажарилишининг тегишли назоратини таъминлашни ташкил этиш;

олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича Таянч олий ўқув юртлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўқув-услубий ва моддий-техник базасини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

замонавий талаблар ҳисобга олинган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўқув режалари ҳамда дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш ишларини ташкил этиш;

педагог кадрларни қайта тайёрлаш жараёнини қатъий тартибга солиш учун профессор-ўқитувчилари тегишли қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича қайта тайёрлашдан ўтадиган ва малакасини оширадиган олий ўқув юртларининг тегишли кафедраларини муайян Таянч олий ўқув юртларига бириктириш, бунда Таянч олий ўқув юрти ва мамлакатимиз олий ўқув юртларининг тегишли кафедралари ўртасида доимий муносабатлар ўрнатилишини назарда тутиш;

олий ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича Таянч олий ўқув юртларидаги аттестация комиссияларининг шахсий таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш, ҳар йил уларнинг ҳисоботларини доимий тинглаш ва зарур ҳолларда, улар таркибига ўзгартишлар киритиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий ўқув юртлари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича Таянч олий ўқув юртлари Аттестация комиссиялари раислари лавозим маошига 30 фоиз миқдорида устама ҳақ белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда Аттестация комиссиялари раислари қайта тайёрлашдан ўтган ва малака оширган раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг сифат даражасига, қарорлар қабул қилишда холислик, ошкоралик ва принципиаллик учун шахсан жавоб бериши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур Фармон ижросини таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин ва унда қуйидагилар кўзда тутилсин:

Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

олий ўқув юртлари раҳбар ва ўқитувчи кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро комиссиянинг шахсий таркибини тасдиқлаш;

Таянч олий ўқув юртларининг ўқув-услубий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ахборот-коммуникация техникаси ва ўқитишнинг техник воситалари билан жиҳозлаш чоралари.

8. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 12 июн

ТАШАББУС: ТАДБИРКОРЛИК, ФЕРМЕРЛИК, ҲУНАРМАНДЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Иштирокчилар сафи сифат жиҳатидан йил сайин ўзгариб бормоқда. Юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланаётган фермерлар, халқ амалий санъатининг ўзига хос намуналарини тайёрлаётган халқ усталари ва ҳунармандлар ушбу рўйхатдан ўрин олаётир. "Ташаббус — 2015" кўрик-танлови халқимизнинг ўз истеъдоди ва ижодкорлигини юзага чиқариш, мамлакатимизда фаровонликни таъминлаш учун янги ғоя ҳамда имкониятлар топишга бўлган интилишни яна бир бор намойиш қилди.

Кўргазмага кираверишда узоқ йиллардан буён хоразмлик Шарипбой Ражабов раҳбарлик қилиб келаётган "Боғот" фермер хўжалигининг стенди эътиборни тортади. Фермер ўз фаолиятини 150 гектар майдонда асосан пахта ва ғалла етиштириш билан бошлаган эди. 2014 йилда у хўжалигини 204 гектарга кенгайтирди ва мева-сабзавот етиштириш, нон маҳсулотлари тайёрлаш ва балиқ парваришлашни йўлга қўйди. Бугунги кунда ушбу тармоқларда 46 киши доимий иш билан таъминланган. Фермернинг фикрича, муваффақиятга эришиш учун тинимсиз меҳнат қилиш, ерга меҳр бериш, ўз ишини сидқидилдан бажариш лозим.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда қишлоқ жойларда фермерлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, давлатимиз томонидан фермерлик ҳаракатига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган инфратузилма устидан назорат кучайтирилди ва янада такомиллаштирилди, қишлоқ меҳнаткашларига тақдим этилаётган хизмат турлари кенгайтирилди. Фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини кучайтириш, лизинг механизмларини ривожлантириш, аграр соҳага инвестиция жалб этиш, улар асосида мини-технологияларни қўллаш орқали қайта ишлашни ташкил қилиш борасидаги ишлар фаоллаштирилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони уларнинг ваколатини сезиларли кенгайтирди. Бунинг самарасида фермер хўжаликлар ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди.

"Ташаббус — 2015" кўрик-танловида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тақдим этган сифатли маҳсулотлар ҳам эътибор ва эътирофга лойиқ. Сурхондарёлик Ҳусинбек Муродовнинг стенди атрофи гавжум бўлгани бежиз эмас. У раҳбарлик қилаётган "Денов Равнақ Камоли" корхонасида 100 турдан ортиқ эркаклар пойабзаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Танловга келганлар ҳар бир пойабзални катта қизиқиш билан кўриб, сифатини баҳолади ва нархи билан қизиқди. Тадбиркор маҳсулотларини шу ернинг ўзида сотиб олишни истаган харидорлар ҳам бўлди. Чунки пойабзаллар хорижникидан асло қолишмайди. Энг муҳими, табиий хомашёдан тайёрланган.

— Тадбиркорлик фаолиятимни 2012 йилда беш турдаги пойабзал ишлаб чиқариш билан бошлаганман, — дейди Ҳ.Муродов. — Замонавий технология харид қилиб, 18 нафар юқори малакали мутахассисни ишга олдик. Бугун бозорда корхонамиз маҳсулотларига бўлган талаб юқори. Олдимизга катта вазифалар қўйганмиз. Маҳсулотларимиз экспортини йўлга қўйиш шулар жумласидан. Белгилаган барча мақсадларимизга эришишга ишонаман. Негаки, мамлакатимизда бизнесни муваффақиятли ривожлантириш учун барча имконият ва шароитлар яратилмоқда.

"Ташаббус — 2015" кўрик-танловининг бошқа иштирокчилари ҳам шундай фикрда. Зеро, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан биридир. Сўнгги йилларда статистика ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш механизмлари анча соддалаштирилди, ишчиларнинг белгиланган сони ва кредит ажратиш даражаси оширилди. Масалан, 2014 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ, жумладан, қарийб 2 триллион сўм миқдорида микрокредит ажратилди. Кейинги беш йилда кичик бизнесга кредит ажратиш ҳажми қарийб 5 баробар оширилди.

Хусусий секторни рағбатлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 195 мингдан ошди. Бу 2000 йил билан таққосланганда 2 баробарга кўпдир. 2000 йилдан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 56 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ошди.

Ҳунармандларнинг ранг-баранг стендлари "Ташаббус — 2015" кўрик-танловига келганлар эътиборини тортди. Шойи матолар, сўзана ва кашталар, рўмоллар, сопол буюмлар, заргарлик безаклари ва бошқа маҳсулотлар халқимизнинг бой мероси, миллий санъатимиз ҳамда замонавий шарқ маданиятининг турфа рангларини ўзида акс эттирган.

Халқ амалий санъати усталарининг таъкидлашича, мустақиллик йилларида маданий меросимизни асраб-авайлаш, ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугун ҳунармандлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани самарасида барқарор даромадга эга бўлмоқда. Ҳукуматимиз эътибори ва халқ усталари учун яратилаётган кенг имкониятлар ёшларнинг миллий ҳунармандлик сир-асрорларини эгаллашга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ғолиблар танловнинг "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери" ва "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" асосий йўналишлари, шунингдек, "Йилнинг энг ёш тадбиркори", "Кекса тадбиркор — "Ташаббус" эъзозида", "Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли", "Йилнинг энг яхши инновацион лойиҳаси", "Ёшлар учун энг кўп иш ўринларини ташкил этган тадбиркор", "Менинг Ватаним — менинг фахрим", "Йилнинг энг яхши маҳсулоти" ва бошқа қўшимча номинациялар бўйича аниқланди.

"Йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналиши бўйича Тошкент вилоятидаги "Takro Osiyo" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Камолиддин Ғиёсов ғолиб бўлди. У раҳбарлик қилаётган корхона мато тўқиш ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш билан шуғулланади.

Наманган вилоятилик Илёсжон Ботиров "Йилнинг энг яхши фермери" деб топилди. "Раис-Санг" кўп тармоқли фермер хўжалигида пахта ва ғалла, иссиқхона маҳсулотлари етиштирилади, чорвачилик билан шуғулланилади.

Хоразм вилоятилик Аллазар Саъдуллаев "Йилнинг энг яхши ҳунарманди", деб эълон қилинди. Халқ ҳунарманди тарихий ёдгорликлар ва зиёратгоҳларни таъмирлаш бўйича ишлари билан машҳур.

— Тадбиркорларнинг асосий танловида ғолиб бўлиш мен учун катта бахт, — дейди 2015 йилнинг энг яхши тадбиркори К.Ғиёсов. — "Ташаббус" кўрик-танлови бизни рағбатлантирибгина қолмай, балки қилаётган ишимизнинг муносиб баҳоланишида муҳим аҳамият касб этиб, келгуси режаларни тузишга ёрдам беради. Биз, тадбиркорларга ўз салоҳиятимизни рўёбга чиқариш борасида яратилаётган шароит ва имкониятлар учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

"Ташаббус — 2015" кўрик-танлови ғолибларига Президентимиз соврини — "Spark" автомобиллари калити, иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига пул мукофотлари, махсус номинациялар совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов иштирок этди.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

САФИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Ургут туман кенгаши раиси Раббим Азизов одатига кўра корхона фаолияти, ходимларга яратилган шарт-шароит билан муфассал танишди. Қарийб эллик киши меҳнат қилаётган жамоада етарли даражада шароит яратилганлигига ишонч ҳосил қилди. Замонавий технология асосида тайёрланаётган маҳсулотларнинг ҳам бозори чаққон.

БИЗ КАСАБА УЮШМАНИ ТАНЛАДИК

Корхона раҳбари Шуҳрат Каримов билан мулоқотда касаба уюшмалари тизимидаги ислоҳотлар, меҳнаткашларга яратилган қўшимча афзалликлар хусусида сўз очди.

— Ишларимизни йўлга қўйиб олдик, — деди "Шероз" МЧЖ Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси раҳбари Шуҳрат Каримов. — Маҳсулотларимизнинг харидоргирлигидан кўнглимиз тўқ. Эндиликда ходимларга яратилган шароитни янада яхшилаш, қўшимча имтиёзлар яратишни ўйлаяпмиз. Бу ишларни бажаришда касаба уюшмалари елкадош бўлишига умид қиламан.

Раббим Азизов "Шероз" МЧЖ қўшма корхонаси умумий йиғилишида иштирок этиб, устувор вазифалар ижроси йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни лўнда қилиб тушунтириб берди. Корхона ходими Эргаш Хуррамов касаба уюшмасига аъзо бўлишнинг афзал жиҳатлари, ташкилот сафида бўлиш жамоага фақат фойда экани ҳақида асосли мисоллар келтириб ўтди. Шундан сўнг асосий эътибор жамоада обрўга эга, касаба уюшма фаолиятидан бохабар кишини бошланғич касаба уюшма ташкилотига етакчи этиб сайлашга қаратилди.

Очиқ овоз бериш йўли билан "Шероз" МЧЖ да касаба уюшма ташкилоти тузилди. Ходимларнинг қўллаб-қувватлаши билан Эргаш Хуррамов бошланғич ташкилот раислигига сайланди. Жамоатчилик асосидаги вазифанинг ўзига хос масъулияти бор. Ташкилий тадбир ўтгач, у жамоа шартномаси устида жиддий ишлади. Корхона раҳбари билан бандма-банд муҳокама қилди. Қисқаси, 2015 — 2017 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномаси меҳнат жамоаси тасдиғидан ҳам ўтди.

— Меҳнаткашларга хавфсиз ва кафолатланган иш шароити яратиш бурчимиз, — дейди касабақўм раиси Эргаш Хуррамов. — Муҳими, бу масалада маъмурият қўллаб-қувватлаб турибди. Ходимлар ва улар оиласини соғломлаштириш, дам олишини ташкил этиш борасидаги вазифаларни белгилаб олганмиз.

Ургут туман тармоқ касаба уюшмалари сафи фаолиятини намунали ташкил этишга қодир яна бир бошланғич ташкилотга кўпайди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
"Ishonch" мухбири

КОЛЛЕЖДАН КОРХОНАГА

Нукус темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида битирувчилар бандлигини таъминлашга доимий эътибор қаратилади.

Мамлакатимиз темир йўл тармоғи учун ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлайдиган ушбу таълим масканида яратилган замонавий шароит, илғор педагогик технологиялар асосидаги машғулотлар таълим самарадорлигига хизмат қилмоқда. Бўлғуси мутахассислар коллеж устахонасида, ҳамкор ташкилот ва корхоналарда назарий билимини амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаётир.

Жорий ўқув йилида коллежни 255 нафар ўқувчи тамомлайди, ҳудуддаги транспорт, саноат ва қурилиш корхоналари билан тузилган уч томонлама шартномаларга кўра, улар таълимдан сўнг доимий иш жойига эга бўлади.

СУРАТДА: *Нукус темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида.*

ЎзА фотомухбири
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Сурхондарёда ўқувчиларни ёзги соғломлаштириш ишлари юқори савияда ташкил этилаяпти. Жумладан, 139 та мактаб ва ихтисослашган мактаб-интернатлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари қошида кундузги оромгоҳлар фаолият юритаётир. Мавсум давомида уларда 13 минг нафар бола дам олдирилиши кўзда тутилган.

ЮҚОРИ САВИЯДА

Шўрчи туманидаги вилоят кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларга ихтисослашган мактаб-интернати қошида ташкил этилган "Шодлик" кундузги оромгоҳида 30 нафар бола соғломлаштириляпти. Улар шахматшашка тўгарагида фаол иштирок этмоқда. Зарур ҳолларда тиббиёт ҳамшираси Меҳринисо Жабборова хизматга шай.

Унга қўшни бўлган вилоят кар ва заиф эшитувчи болаларга ихтисослашган мактаб-интернати қошидаги "Сурхон" кундузги оромгоҳида эса 120 нафар ўғил-қиз мазмунли дам оляпти.

— Оромгоҳимизда барча шароит муҳайё. Спорт, расм чизиш, каштачилик, тикувчилик, турли фан тўгараклари фаолият кўрсатаётир. Машғулот хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланган, — дейди оромгоҳ директори Элмурод Тўраев.

— Дам олиш масканларида мавсум мобайнида телефон алоқаси, электр энергияси, ичимлик суви ва табиий газ таъминотининг узлуксизлиги таъминланади. Бундан ташқари, керакли мебел ва спорт жиҳозлари, турли адабиётлар етказиб берилган. 8 та шаҳардан ташқаридаги оромгоҳда болалар ҳордиқ чиқаришни бошлашди. Ушбу оромгоҳларда фаолият юритувчи малакали педагог-тарбиячилар, етакчилар, чет тили ва мусиқа ўқитувчилари, спорт йўриқчилари, тўгарак раҳбарлари, кутубхоначилар ва шифокорлардан иборат тажрибали мутахассислар танлаб олиниб, уларга махсус ўқув-семинарлар ташкил этилди. Термиз давлат университети педагогика факултетидан 65 нафар иқтидорли талаба жалб этилди. Ҳар бир оромгоҳда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Камолот" ЁИҲ, Маънавият тарғибот маркази, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлимлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида кўплаб маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини ўтказиш назарда тутилган, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси А.Аҳмедов.

Қолаверса, "Меҳнат ва дам олдириш", "Ҳарбий ва спорт", "Интеллектуал ривожлантириш", "Экологик — биологик", "Техник ижодкорлик" ва "Бадиий ижодиёт" оромгоҳлари ҳам ташкил этилади.

Эътиборга молик яна бир жиҳат, ўтган йили 600 нафардан зиёд кўп болали, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари ва ногирон болалар, 12-"Меҳрибонлик" уйи тарбияланувчилари бепул соғломлаштирилган бўлса, бу йил улар сони янада кўпаяди.

Хуллас, ёзги таътил давомида вилоятда 18 минг нафар ўғил-қиз энг сўлим гўшаларда мириқиб дам олиш имконига эга бўлади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 13-iyun, shanba, № 72 (3577), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

ШОГИРДЛАРИМ — ФАХРИМ

улар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда

Улкан тошлар орасидан сизиб чиққан булоқ ирмоқларни ҳосил қилади — тошқин дарёларни сувга тўлдиради. Мен устозим Тўхтамурод Жумаевни оби ҳаётга ўхшатаман. Чунки, устоз қанчадан-қанча ёшлар йўлини илм ўзанларига бурди...

1992 йил Бухоро давлат педагогика институтининг математика факултетини имтиёзли диплом билан тугатиб, ота маконим Қоракўлга қайтдим. Ўша пайтларда тиниб-тинчимас устоз "Ёш математик ва физиклар" махсус мактаб-интернатини очган эди. Мен ҳам танлов асосида мазкур мактаб-интернатга ишга қабул қилиндим. Ҳамма учун ўрнак — устозимиз Тўхтамурод аканинг ўзлари эди.

"Фарзандларимизнинг илм ва одобини ўзимизнинг имконимиз билан чекламай, уларни келгуси замон учун тайёрлашимиз керак", деган сўзлари мен учун ҳам шиорга айланди. Бу эса, аслида, ҳаловатдан кечиб, изланиш ва қўшимча адабиётлар билан танишиш дегани эди.

Ҳамкасбларим билан керакли маълумотларни, услубий қўлланмаларни рус ва инглиз тилларидан ўзбекчага ўгирдик. Халқаро олимпиадалар учун тайёрланган масалаларни йиғдик. Ўқувчилар қалбига чўғ тушди: "Биз ҳам оламшумул масалаларни еча оламиз". Тинимсиз изланишлар ўз самарасини бера бошлади.

Дастлаб 1993 йилда ўқувчим Тўлқин Болтаев математика фанидан Республика фан олимпиадасида 3-даражали дипломни қўлга киритди. Имтиёзли равишда олий ўқув юрти талабаси бўлди. Орадан 3 йил ўтиб, яна бир ўқувчим Жамол Саидов худди шу олимпиадада фахрли 2-ўринни эгаллади.

Шундан кейин Воҳид Сатторов ва Шерали Ўринов вилоят ҳамда республика миқёсидаги фан олимпиадаларида совриндорлар сафидан ўрин олишди. 9-синф ўқувчиси Умид Раҳмонов 1999 йилда ўз билимини халқаро доирада синовдан ўтказди. У Руминиянинг Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган 40-жаҳон олимпиадасида, кейинчалик Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида 41-жаҳон олимпиадасида муваффақиятли қатнашиб, бронза медали билан тақдирланди. 2001 йилда эса АҚШда ўтказилган 42-жаҳон олимпиадасида кумуш медалга сазовор бўлди.

2002 йил математика фанидан ўтказилган вилоят олимпиадасида Бекзод Тиллаев 1-даражали диплом билан тақдирланди. Ўша йилнинг май ойида республика сиртқи телевизион олимпиадасида 9-синф ўқувчиси Улуғбек Баҳромов 2-ўрин соҳибига айланди. Шунингдек, республика ёш иқтидорли ўқувчиларнинг "Иқтидор 2002" ёзги мактаб олимпиадасида ҳам 2-ўринни қўлга киритди.

Шу тариқа ўтган йиллар давомида кўплаб ўқувчиларимиз вилоят, республика ва жаҳон олимпиадаларида муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Юзлаб ўқувчиларимиз нуфузли таълим даргоҳлари талабаси бўлишди.

Мактабимиз "Қоракўл мактаби", "Жумаев мактаби" дея эътироф этила бошланди. Дарҳақиқат, ҳар йили бу масканни тамомлаган ўқувчиларнинг 80-90 фоизи ўз йўналиши бўйича олий ўқув юртларига кириш учун тест синовларидан муваффақиятли ўтади. 2 нафар ўқувчимиз Президент стипендианти. 3 нафар ўқувчимиз эса Мирзо Улуғбек, 2 нафари С.Сирожиддинов номидаги стипендияларнинг совриндори бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21-августдаги қарорига асосан мактаб-интернатимиз базасида Бухоро давлат университети қошидаги 3-Қоракўл академик лицейи ташкил этилди. Ўша йили лицей фойдаланишга топширилган янги бинода иш бошлади.

Жамоамиз Юртбошимизнинг: "Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак", деган сўзларини дилига жо қилиб, фарзандларимизни эзгу ишларнинг давомчиси бўлишга ундаяпти. Чунки устоз — шогирдларнинг қалб меъмори, уларнинг маънавий ҳомийсидир.

Шу ўринда менга сабоқ берган устозларимни эслашни жоиз деб билдим. Тақдир мени устозлар бобида сийлаган десам адашмайман. Илк устозларим отам Бобоқул Каримов 40 йил болалар шифокори бўлиб ишлаган. Онам Мавлуда Каримова эса узоқ йиллар кутубхоначи бўлиб фаолият юритган. Шунинг учун: "Болалигим китоблар, адабий қаҳрамонлар орасида кечган", десам асло муболаға бўлмайди. Мактабдаги, олийгоҳдаги таълим берган устозларим хотирамда абадий қолган. Олий таълимдан кейин эса, толе мени Тўхтамурод Жумаевдай меҳрибон устозга рўбарў қилди.

2014 йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган "Ўз касбининг моҳир эгалари" танловининг совриндори бўлганимни то ҳануз ҳаяжон билан эслайман. Бугун ортимга қараб, ўтган йиллар бахтиёрлик ва фахр туйғусига лиммо-лим эканлигидан қувониб кетаман. Буларнинг тагзамирида юртимизда яратилган барқарорлик, тинч ва хотиржамлик, таълим тизимига қаратилган эътибор мужассам.

Гулнора ЖУМАЕВА,
БухДУ қошидаги
3-Қоракўл академик лицейининг
олий тоифали математика
фани ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси

ИНСОН ВА ҚОНУН

ФУҚАРО ҲУҚУҚИ — МУҚАДДАС

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида «ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш кафолатланади» дейилган.

Одатда, бу турдаги даъволар фуқаролик судида кўриб чиқилади. Дастлабки тергов давомида қуйидаги масалалар бўйича иш олиб борилади:

— жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкий зиённи қоплаш;

— жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стационарда даволаниш харажатларини қоплаш;

— суғурта тариқасида жабрланувчига тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш.

Жиноят-процессуал кодексининг 276-моддаси фуқаровий даъво қилиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Унга кўра, «Жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида ўзини мулкий зиён кўрган деб ҳисобловчи шахс ёхуд унинг вакили жиноят иши қўзғатилган пайтдан бошлаб то суд тергови бошлангунига қадар фуқаровий даъво қўзғатишга ҳақлидир».

Фуқаровий даъво ёзма шаклда ҳам, оғзаки шаклда ҳам қўзғатилиши мумкин. Дастлабки терговда ҳам, судда ҳам оғзаки даъво аризаси баённомага ёзиб қўйилади.

Жиноят процессида фуқаролик даъвоси қилинганда, кўриб чиқилганда ва ҳал қилинганда давлат божи олинмайди. Жиноят процессида фуқаролик даъвосини қилмаган шахс, шунингдек, даъвоси кўриб чиқилмай қолдирилган шахс даъвони фуқаролик судлови тартибида амалга оширишга ҳақлидир.

Фуқаровий даъво ва жиноий айбловни бирга тақдим этиш жабрланувчининг жиноят туфайли бузилган мулкий ҳуқуқлари тез тикланишини таъминлайди ҳамда жиноят-процессуал фаолиятнинг барча иштирокчилари учун қулайлик туғдиради.

Азамат РАСУЛМУҲАМЕДОВ,
ИИВ Академияси тингловчиси

Реклама ва эълонлар

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Савдога Қизириқ туман СИБ томонидан, Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 20.10.2014 йилдаги 19-1403/14211-сонли ижро варақасига асосан, Қизириқ туман, Янги ҳаёт КФЙ «Истара» маҳалласи жойлашган, «Қизириқ — Навбур» мини маркетга тегишли, 157,04 кв.м бўлган, 2 хонадан иборат, Савдо дўкони қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 27 000 000 сўм.**

II. Савдога Узун туман СИБ томонидан, Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 24.04.2015 йилдаги 19-1504/3103-сонли ижро варақасига асосан, Узун тумани Меҳнат қишлоғида жойлашган, умумий майдони 2000,00 кв.м бўлган, 1 қаватли, 10 хонадан иборат 2001 йилда қурилган Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.**

III. Савдога Термиз шаҳар СИБ томонидан, ФИБ Термиз туманлараро судининг 07.03.2014 йилдаги 1-568-14-сонли ижро варақасига асосан, Термиз шаҳар Термизий кўчаси 26 ^ – уйда жойлашган, умумий майдони 1468,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 5 хонадан иборат 1985 йилда қурилган таъмир талаб уй-жой қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.**

IV. Савдога Термиз шаҳар СИБ томонидан, ФИБ Термиз туманлараро судининг 07.03.2014 йилдаги 1-562-14-сонли ижро варақасига асосан, Термиз шаҳар, Суфи Оллоёр (Ч.Сафаров) кўчаси 38 – уй, 2-хонадонда жойлашган, умумий майдони 469,0 кв.м бўлган, 1 қаватли 2 хонадан иборат 1936 йилда қурилган таъмирталаб уй-жой қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 74 083 506 сўм.**

V. Савдога Термиз шаҳар СИБ томонидан, ФИБ Термиз туманлараро судининг 07.03.2014 йилдаги 1-564-14-сонли ижро варақасига асосан, Термиз шаҳар, Жума Гаиров кўчаси 78–уйда жойлашган, умумий майдони 600,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 4 хонадан иборат 1980 йилда қурилган таъмирталаб уй-жой қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 66 700 000 сўм.**

VI. Савдога Термиз шаҳар СИБ томонидан, ФИБ Термиз туманлараро судининг 07.03.2014 йилдаги 1-575-14-сонли ижро варақасига асосан, Термиз шаҳар, Тохарий (С.Соҳибов) кўчаси, 49-а- уй, 8-хонадонда жойлашган, умумий майдони 55.0 кв.м, 1 қаватли 3 хонадан иборат 1956 йилда қурилган, таъмирталаб уй-жой қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 40 430 000 сўм.**

VII. Савдога Термиз шаҳар СИБ томонидан, ФИБ Термиз туманлараро судининг 27.01.2014 йилдаги 1-216-14-сонли ижро варақасига асосан, Термиз шаҳар, С.Айний кўчаси, 39-уйда жойлашган, умумий майдони 555,57 кв.м бўлган, 1 қаватли, 4 хонадан иборат таъмир талаб уй-жой қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 67 116 000 сўм.**

VIII. Савдога Шўрчи тумани СИБ томонидан, ЖИБ Сурхондарё вилоят судининг 01.05.2015 йилдаги 2-50-14-сонли ижро варақасига асосан, Шўрчи тумани, «Бўстон» маҳалласи, Мустақиллик кўчасида жойлашган, умумий майдони 615,42 кв.м бўлган, 1 қаватли, 8 хонадан иборат ошхона, хожатхона ва омборхона бинолари қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 30 665 073 сўм**

IX. Савдога Термиз шаҳар СИБ томонидан, ФИБ Термиз туманлараро судининг 07.01.2015 йилдаги 1-54-4084-2014-сонли ижро варақасига асосан, Термиз шаҳар, Беруний кўчаси 35-уй, 11-хонадон манзилда жойлашган, умумий майдони 72,5 кв.м бўлган, 3 хонали яшаш уйи қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 24 763 336 сўм**

Аукцион савдоси 2015 йил 16 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 14 июл куни соат 18:00.

X. Савдога Шеробод туман СИБ томонидан, Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 28.07.2008 йилдаги 19-0809-3798-сонли, 04.06.2010 йилдаги 19-1007/7321-сонли, 28.10.2010 йилдаги 19-1003/15909-сонли ижро варақаларига асосан, Шеробод туман, Сеплон ҚФЙ, «Килкон» маҳалласи манзилида жойлашган, умумий майдони 12343,71 кв.м бўлган, "Гала-Гузар Шаршара" ММТП бино ва иншоотлари 10 фоизга арзонлаштирилиб, такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 194 743 440 сўм.**

XI. Савдога Жарқўрғон туман СИБ томонидан, ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 19.06.2013 йилдаги 1-360-сонли ижро варақасига асосан, Жарқўрғон тумани, «Дўстлик» маҳалласи, Бозор кўчасида жойлашган, умумий майдони 112,9 кв.м бўлган, 1986 йилда қурилган, 1 қаватли, 1 хонали «Жарқўрғон дўкони»нинг газмол ва пойабзал бўлими такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 99 600 000 сўм.**

XII. Савдога Жарқўрғон туман СИБ томонидан, Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 20.01.2015 йилдаги 19-1402/22681-сонли ижро варақасига асосан, Жарқўрғон туман, «Янгиобод» маҳалласи, ГПЭ қўрғони манзилида жойлашган, "Жарқўрғон сифат таъмир қурилиш" хусусий корхонасига тегишли, умумий ер майдони 2900,86 кв.м. жами 10 хонали, База бино иншоотлари (А.Б.В.Г.Д.Е,Ж,З,И,К-литерлардаги токарлик цехи, устахона, бостирма, омборхона, хожатхона, қоровулхона, темир дарвоза, темир эшик, тўсиқ деворлар, асфалтланган юза) такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 120 000 000 сўм.**

XIII. Савдога Жарқўрғон туман СИБ томонидан, ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 10.09.2014 йилдаги 1-1987-сонли ижро варақасига асосан, Жарқўрғон туман, «Янгиобод» МФЙ, Селикалцит қўрғони манзилида жойлашган, умумий ер майдони 320,68 кв.м, 2 қаватли, 13 хонадан иборат, молхона ва дам олиш биноси (молхона биноси, дам олиш биноси, қўйхона ва омборхона) такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 93 000 000 сўм.**

XIV. Савдога Музработ туман СИБ томонидан, ФИБ Термиз туманлараро судининг 10.03.2015 йилдаги ҳал қилув қарорига асосан, Музработ туман, Ободон ҚФЙ, «Олачапон» маҳалласи манзилида жойлашган, "Нормуродов Зариф" номли фермер хўжалигига тегишли, умумий майдони 262,25 кв.м бўлган, 8 хонали савдо дўкони биноси такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 180 760 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 29 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 26 июн куни соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ХОАБ "Трастбанк" Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. Х/р: 20208000004920609027; МФО: 01063; СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биноси, 2-қават, 6-хона. Тел: (0376) 221-77-94. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Хизматлар лицензияланган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси

2015 йил манзилли қурилиш рўйхатига киритилган қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан такроран очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Лот 37-6. «Бухоро вилояти, Шофиркон туманидаги 5-сонли мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш»

Буюртмачининг бошланғич қиймати — 533 579 700 сўм (ҚҚС билан), 444 649 750 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2015 йил 1 сентябр.

Қурилиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Турар ва нотурар уй-жой биноларини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100% ни ташкил қилади.

Марказлаштирилган капитал қуйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси.

Манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 120 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 6-уй.

Изоҳ: Таклифлар (оферталар) очилишининг аниқ куни ва соати талабгор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

"IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST" МЧЖ Сизларни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2015 йил 29 июн, 6-, 13-, 20-, 27 июл кунлари соат 11:00да такроран ўтказиладиган аукцион савдосига Тўрақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси балансидаги 1988 йилда и/ч, "ГАЗ-66" русумли, д/б 16 АЕ 249 бўлган автотранспорт воситаси 1 779 000 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Шунингдек, 2015 йил 14-, 21-, 28 июл кунлари соат 11:00да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Янгиқўрғон тумани давлат ветеринария бўлимига қарашли 1979 йилда и/ч, "ГАЗ-52" русумли, д/б 50 937 ВАА бўлган а/в 619 167 сўм, 2000 йилда и/ч, "ВАЗ-21074" русумли, д/б 50 082 LAA бўлган а/в 2 179 214 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00дан 17:00га қадар қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан бир кун аввал (2015 йил 29 июн куни соат 11:00да ўтказиладиган савдо учун 2015 йил 26 июн куни) соат 11:00да тўхатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автомототранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги (ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда) закалат пулини "IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Наманган вилоят филиали, МФО:01054, ИНН: 302948717, 20208000300332835001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот олиш ва савдо ўтказиш манзили:

Савдо ташкилотчиси: "**IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST" МЧЖ.**

Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси 14-уй (Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси биносининг 1-қавати, 2-хона), Телефон: (0369) 227-19-07, +99 890 642-85-05 **www.autosavdo.uz, e-mail: info@autosavdo.uz Гувоҳнома №: 07183.**

Хизматлар лицензияланган.

Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази "Ishonch" газетасининг 2015 йил 23 май кунги 64-сонида берилган эълонга қуйидаги ўзгартиришлар киритилганлигини маълум қилади.

Объектлар номи: **ЛОТ-1.**

ЛОТ-1.1. "Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Яйпан маркази А.Қаҳҳор кўчасидаги 2-сон болалар боғчаси биносини мукаммал таъмирлаш".

Бошланғич нархи: **337 871 512 сўм ҚҚС билан, 281 559 593 сўм ҚҚСсиз.**

ЛОТ-1.2. "Фарғона вилояти, Учкўприк тумани Капақўчқор ҚФЙдаги 22-сон болалар боғчаси биносини мукаммал таъмирлаш".

Бошланғич нархи: **292 896 909 сўм ҚҚС билан, 244 080 758 сўм ҚҚСсиз.**

Муддати – **01.09.2015 йил.**

ЛОТ – 2

ЛОТ-2-1 "Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги 35-сон мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш".

Бошланғич нархи: **667 901 422 сўм ҚҚС билан, 556 584 518 сўм ҚҚСсиз.**

ЛОТ-2-2 "Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги 32-сон мактабгача таълим муассасасини мукаммал таъмирлаш".

Бошланғич нархи: **487 582 610 сўм ҚҚС билан; 406 318 842 сўм ҚҚСсиз.**

Муддати – **01.09.2015 йил.**

ЛОТ - 3

ЛОТ-3.2. "Фарғона вилояти, Бешариқ тумани Бешариқ марказидаги 5-сон болалар боғчасини мукаммал таъмирлаш"

Бошланғич нархи: **276 204 212 сўм ҚҚС билан, 230 170 177 сўм ҚҚСсиз.**

Муддати – **01.09.2015 й.**

ЛОТ-1дан ЛОТ-3гача объектларнинг топшириш муддати 01.09.2015 йил деб ўқилсин.

Хизматлар лицензияланган.

"Respublika mulk markazi" АЖ "Toshkent mintaqaviy filial" бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет)нинг 2015 йил 11 июндаги №204-ОП сонли бўйруғи ва 2015 йил 11 июндаги 02-29-126 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Тўйтепа шаҳар Спорт кўчаси 70-уй манзилида сақланаётган автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда.

№	Автомототранспорт воситасининг русуми	давлат рақами	ишлаб чиқарилган йили	техник ҳолати	Бошланғич баҳоси (сўм)
1.	"УРАЛ 43202"	10 827 ХАА	1990	Техник соз	148 898 750
2.	"ЗИЛ 157"	10 829 ХАА	1972	Техник соз	104 228 700
3.	"ЗИЛ 157"	10 830 ХАА	1972	Техник соз	104 228 700
4.	"ЗИЛ 157"	10 831 ХАА	1972	Техник соз	104 228 700
5.	"ЗИЛ 157"	10 837 ХАА	1972	Техник соз	104 228 700
6.	"ЗИЛ 157"	10 839 ХАА	1972	Техник соз	104 228 700
7.	"ЗИЛ 157"	10 840 ХАА	1972	Техник соз	104 228 700
8.	"УАЗ 9621"	10 536 УАА	1988	Техник соз	61 030 000
9.	"УАЗ 9621"	10 537 УАА	1987	Техник соз	61 030 000
10.	"УАЗ 9621"	10 538 УАА	1988	Техник соз	61 030 000
11.	"УАЗ 9621"	10 841 ХАА	1990	Техник соз	61 030 000
12.	"УАЗ 9621"	10 856 ХАА	1988	Техник соз	61 030 000
13.	"УАЗ 9621"	10 857 ХАА	1990	Техник соз	61 030 000
14.	"УАЗ 9621"	10 860 ХАА	1987	Техник соз	61 030 000
15.	"УАЗ 396201"	10 539 УАА	1986	Техник соз	61 030 000
16.	"УАЗ 396201"	10 842 ХАА	1989	Техник соз	61 030 000
17.	"УАЗ 396201"	10 854 ХАА	1986	Техник соз	61 030 000
18.	"УАЗ 396201"	10 859 ХАА	1989	Техник соз	61 030 000

Аукцион савдоси 2015 йил 29 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 26 июн куни соат 18:00.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

"Савдо ташкилотчиси"га у кўрсатган хизматлари учун мулкнинг сотув нархидан жами 5 фоиз миқдорида хизмат ҳақи мулкни сотиб олган ғолиб харидор закалат пулидан ушлаб қолинади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел:233-28-52. www.rmm.uz.

Хизматлар лицензияланган.

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога "Қодир Раҳимов" МЧЖ ММТПнинг 2015 йил 10 июндаги 10/06-сонли буюртманомасига асосан Кармана тумани, Янги ариқ ҚФЙ ҳудудида жойлашган мазкур жамият ҳовлисида сақланаётган 2000 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 06-62 НО бўлган "МХ-135" русумли трактор қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 27 778 000 сўм.**

Савдо 2015 йил 15 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 13 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2015 йил 15 июл куни сотилмаган тақдирда, навбатдаги савдо 2015 йил 23,30 июл кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: навбатдаги савдо учун 2015 йил 21,28 июл кунлари соат 18:00 да тўхатилади.

Савдо ғолиби сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 20 кун ичида олди-сотди шартномасини тузиши лозим.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ "Ипотека банк" Навоий филиали қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт. 20208000704943164001, МФО 00205, СТИР: 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар Жасорат кўчаси 24-уй. Тел: 0 (436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1605. Хизматлар лицензияланган.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган савдога таклиф этади!

Савдога ТИФ "Миллий Банк" Тошкент вилоят бўлимининг 2015 йил 10 июндаги РК-11/2871-сонли буюртманомасига асосан, ТИФ "Миллий Банк" Тошкент вилоят бўлимига тегишли, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани Янгиовул ҚФЙда жойлашган, бириктирилган ер майдони 0.21 га тенг бўлган, бир қаватли, бузоқхона, чорвадорлар уйи, бостирма ва молхонадан иборат кўчмас мулк такроран қўйилмоқда (чорвачилик фермаси). **Бошланғич баҳоси — 310 480 000 сўм.**

Савдо 2015 йил 29 июнь куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртмалар 2 нусхада расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Савдода қатнашиш учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 26 июн куни соат 16:00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2015 йил 29 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 6-, 13-, 20 июл кунлари соат 11:00да ўтказилади. Буюртмаларни қабул қилиш: 2015 йил 6 июлдаги такрорий савдо учун 3 июл куни соат 16:00; 2015 йил 13 июлдаги такрорий савдо учун 10 июл куни соат 16:00; 2015 йил 20 июлдаги савдо учун 17 июл куни соат 16:00да тўхатилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш шартномасини имзолаш ва мулк учун тўловларни савдо кунидан бошлаб 60 (олтмиш) ой мобайнида тўлиқ амалга ошириш шартлари юклатилади.

Талабгорлар савдо кунига қадар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МФО 01036, СТИР 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уй. Тел./факс: (0371) 228 78 96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001. Хизматлар лицензияланган.

2015-yil 13-iyun, shanba, № 72 (3577), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ

СЎЛИМ ВА ОБОД ГЎША

Баҳаво табиат қўйнида, сўлим масканларда сайр қилиб, маданий ҳордиқ чиқаришнинг завқи ўзгача. Пойтахтимизда жойлашган Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ана шундай ажойиб гўша ҳисобланади.

Бу ерга ташриф буюрган киши аввало соя-салқинлик, мусаффо ҳаводан яйрайди. Қушларнинг сайрашини эшитиб, кайфиятингиз кўтарилади. Шу боис ҳам боғ ҳамиша гавжум. Сайр қилувчилар орасида хорижий сайёҳларни ҳам учратасиз. Сўлим ва хушманзара боғ, айниқса, болажонларнинг севимли масканига айланган.

Яратилган шароитлар эътиборингизни тортмасдан қолмайди. Бу ердаги ўзига хос ва бетакрор манзара, хилма-хил кўнгилочар ўйингоҳлар, фаввора, спорт майдонлари, чиройли йўлаклар, ўриндиқлар — ҳамма-ҳаммаси ўзгача. Энг асосийси, хизмат кўрсатиш тизими намунали йўлга қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида боғ янгича қиёфа касб этди.

Боғнинг умумий майдони қарийб 13 гектарни ташкил этиб, бу ерда катталар ва болажонлар учун 35 дан ортиқ замонавий аттракционлар ишламоқда. Бундан ташқари, ҳудудда спортсеварлар учун теннис корти, стол тенниси ўйналадиган махсус жойлар барпо этилган. Яхна ичимликлар, музқаймоқлар билан савдо қилувчи кафе ва қатор савдо дўконлари, ресторан фаолият кўрсатяпти. Сувда сайр қилишни хуш кўрувчилар учун кўлда ажойиб катамаранлар хизматга шай. Бир сўз билан айтганда, масканда аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит муҳайё.

— Ёзнинг жазирамасида ҳар бир инсон табиат қўйнида, соя-салқин жойларда дам олишга эҳтиёж сезади. Фарзандларим билан бирга дам олиш кунлари ва оқшом пайтлари ушбу сўлим ва гўзал истироҳат боғида сайр қиламиз, — дейди Насиба Умарова. — Бу ердаги ажойиб манзара, спорт майдончалари, бир-биридан ажойиб аттракционлар, энг муҳими, озодалик ва саранжом-саришталик кўзни қувнатади.

— Невараларим билан сайрга чиқдим. Улар бир-биридан ажойиб аттракционларда маза қилиб ўйнашяпти. Айниқса, ширинтойларимга эртак қаҳрамонлари ҳайкаллари манзур бўлди. Бу ер нафақат болалар, балки биз кексалар ҳам маза қилиб дам оладиган масканэкан, — дейди Султон ота Шомуродов. — Боғнинг мафтункор табиати киши кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади. Фарзандларимизнинг шўхшодон кулгуси янграб турган бундай масканлар тўкис-фаровон, тинч ва осойишта ҳаётимиз белгисидир.

БОҒ ТАРИХИ

Истироҳат боғининг тарихи ўзига хос. Бир пайтлар бу ер қалин қамишзор бўлган. Кейинчалик турли манзарали дарахт кўчатлари экила бошлаб, бора-бора обод гўшага айланган. 1934 йилнинг июнида боғ ташкил этилган.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, 1943 йилда боғда рус киноижодкорлари томонидан филм суратга олинди. Унда машҳур киноактёрлар Марк Бернес ва Борис Андреев бош ролларни ижро этишди. Шунингдек, белорус адиби Якуб Колас, рус ёзувчиси Алексей Толстой боғда сайр қилиб, унинг хушманзара табиатидан баҳра олиб, энг сара асарларини яратишди.

1973-1982 йилларда боғ ҳудуди кенгайтирилиб, эски ўйингоҳлар ўрнига замонавийлари барпо этилди. Манзарали дарахт кўчатлари, анвойи гуллар экилди. Ҳар оқшом минглаб одамлар боғда волейбол, баскетбол ўйнашар, мириқиб концерт томоша қилиб, дам олишарди. Истиқлолдан кейин боғ ҳудуди янада чирой очди...

— Боғнинг тартибли ва озодалигида 50 нафардан ортиқ ишчи-ходимнинг меҳнати ётибди, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи касаба уюшма қўмитаси раиси Дилафрўз Муҳиддинова. — Жорий мавсумга жиддий тайёргарлик кўрилиб, барча жиҳозлар таъмирланди ва қайта кўрикдан ўтказилди. Ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари амалдаги жамоа шартномасида ўз аксини топган бўлиб, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оғир кунларида таянч ва мададкор бўлиш касаба уюшмасининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган. 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида кам таъминланган оилалар фарзандлари, махсус мактаб-интернат, "Меҳрибонлик" уйи тарбияланувчилари таклиф этилди. Уларга 2100 та чипта ажратилиб, аттракционлардан бепул фойдаланиш имкони яратилди.

Айни кунларда боғ маъмурияти дам олувчиларга намунали хизмат кўрсатиш, уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун зарур шароитларни яратиш мақсадида янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
"Ishonch" мухбири.
Назрулла МАҲАМОВ олган суратлар

ТАНЛОВ

САНЪАТ СЕҲРИ

Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари томонидан маданият ва санъат коллежлари ҳамда мусиқа академик лицейлари ёш ижрочиларининг навбатдаги республика танлови ўтказилди.

Ёш иқтидор эгаларини кашф этиш, уларнинг ижрочилик маҳоратини янада ошириш, ютуқларини муносиб рағбатлантириш мақсадида ўтказилган танловда ўзи таҳсил олаётган таълим муассасасининг ҳисобот концертида биринчи ўринни эгаллаган 440 нафар ўқувчи қатнашди. Санъатимизнинг умидли ниҳоллари халқ чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар, академик хонандалик, торли чолғулар, фортепиано, анъанавий ижрочилик, эстрада, хореография, театр санъати ва янги фолклор ижрочилиги йўналишлари ва қатор номинациялар бўйича беллашди.

— Болалигимдан фортепианога ошно тутиндим. Ундан таралган куй мени ўзига бутунлай сеҳрлаб қўяр эди. Ўйинчоқ пианинони маҳорат билан чалишимни кўрган ота-онам санъат мактабига олиб боришди. Устозларимдан олган сабоқларим натижасида ушбу танловда иштирок этиб, биринчи ўринга муносиб топилдим. Бу менга олий таълим муассасасига ўқишга кириш имтиёзини берди, — дейди Қарши санъат коллежи ўқувчиси Жавоҳир Ишалиев.

— Анъанавий ижрочилик йўналишида Тошкент маданият коллежи шарафини ҳимоя қилиб, иккинчи ўринни эгалладим, — дейди Маржона Тошева. — Юртбошимиз томонидан биз, ёшларга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самараси ўлароқ мана шундай ютуқларни қўлга киритмоқдамиз. Келажакда халқаро кўриктанловларда иштирок этиб, юқори натижаларни эгаллашга ҳаракат қиламан.

Уч босқичда ташкил этилган танлов В.Успенский ва Р.Глиэр номли республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейлари, Ўзбекистон санъат ва маданият институти, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ҳамда Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтди. Номинациялар бўйича 57 нафар ўқувчи биринчи, 79 нафари иккинчи ва 59 нафари учинчи ўринга муносиб топилди.

Ғолибларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Тақдирлаш маросимида ёш ижрочилар иштирокидаги концерт дастури барчага хуш кайфият улашди.

Покиза ТУРДАЛИЕВА,
ЎзМУ талабаси

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Ҳозирда бешикда ётган боламиз ҳам "сотка" деса, ажабланмай қўйдик. Чунки бу матоҳсиз кунимиз ўтмайди: ишда ҳам, уйда ҳам доимий ҳамроҳимизга айланган. Назорат қилиш учун мактабга қатнайдиган боламизга ҳам, ҳаёт ташвишидан ортиб, ойда бир хабар ололмайдиган ота-онамизга ҳам ҳол сўраб туриш учун энг сўнгги русумдаги қўл телефони олиб берганмиз. Уфф, яна шу мавзуми, демоқчимисиз?! Йўқ, хавотирланманг, айтмоқчи бўлганимиз бошқа масала ҳақида...

ГАПНИНГ ДАНГАЛИ

Биласизки, абонентларга мобил компаниялар хизмат кўрсатишади. Албатта, текинга эмас: гаплашган ҳар дақиқамизга, хат ёзганда эса ҳар бир сўзимизга ҳақ тўлаймиз. Бу уларнинг "бозор"и. Қанча кўп маблағ топишса, ўзлари учун шунча фойда. Шу боис мобил компаниялар кунора СМС орқали ўз таклифлари билан мижозларига мурожаат қилишади. Гап ана шу хизматларнинг маънавий оламимизга таъсири ҳақида.

Шунча йилдан буён мобил телефон ишлатасиз (камдан-кам инсонларгина ишлатишмайди), бирор марта *"Мамлакатимизда янги қонун қабул қилинди. Танишиб чиқиш учун "ҳуқуқ" сўзини ..... рақамига СМС тариқасида юборинг"*, деган хабар олганмисиз?! Йўқ, албатта. Ёки СМС орқали "Чекиш — ўлим сари ташланган қадам. Чекманг, сиз атрофдагиларга кераксиз", деган жумлани ўқиганда ҳар қандай эркак қўлидаги сигаретни ташлаб юборса керак. Аммо қўл телефонимизга бундай мазмундаги СМС келмайди. Аксинча...

— Болам, "хит" дегани нимаси, тунов кун манов самсимингга ("samsung"ни назарда тутадилар) "Энг сара хитлар бизда...", деган гап келди. Шаҳарда юрасан, шу "хит"нинг яхшисидан бобонг икковимизгаям бир дона келтириб бер. Қариганда кўриб қолайлик, 4-5 кунлик умримиз борми-йўқми, — дейди 80 ёшдан ошган момомиз.

Яхшиям, бувимга кеча менга келган *"Айрилиқ ҳақида романтик шеърлар олиш учун HS 4252 рақамига юборинг ёки SG-севгилингиз билан хайрлашиш учун шеърлар. Кириш СМС 0,03$"*, деган хабар келмабди, дея кулиб қўясиз. Балки кулгимиз ортиқчадир, бу масалага жиддийроқ қараш пайти келмадимикан?! Ахир ана шу СМСлар ҳали мактаб ёки коллежда ўқийдиган фарзандимизнинг ахлоқию тарбиясига салбий таъсир қилиб, ҳаётга қарашини саёзлаштириб юбормаяптими. "Йўғ-а, бу даражада эмасдир, пашшадан фил ясаяпсиз", дерсиз... Келинг, биз кўп бора ўқиган СМСларни бироз таҳлил қилиб кўрайлик. Масалан, "Чексиз тунги мулоқот..." деган жумла билан СМС орқали ҳам, реклама орқали ҳам танишмиз. Бугун ухлама, деган даъватга ўхшайди гўё. Ҳали ўз маблағига эга бўлмаган ёшлар ота-онасининг "Телефонингга кеча пул ташлагандим-ку, дарров тугатдингми?!" деган дағдағасидан қўрқиб, "чексиз мулоқот" қилиш учун ухламасдан соат тунги 00:00 дан ўтишини кутишади. Бу "чексизлик"да фарзандларимиз нимани гаплашишади?! Ҳарқалай, бугунги дарснинг муҳокамасини қилишмаса керак. Бу борада хулоса ўзингиздан...

"Севги изҳорлари. "Ишқ" сўзини .... рақамига жўнатинг..." мазмунидаги СМС ёшларнинг диққату эътиборини тортмай қолмайди. Дарҳол буни амалда бажариб кўришади ва фойдасидан зарари кўп "изҳорлар" оламига кириб боришади. Арзимас кўринган бу ҳолат ўша ёшнинг нафақат бугуни, балки келажагига қадар дахл қилишини ўйламаймиз. Энг қизиғи, мобил компаниялар томонидан "изҳорлар"га чорлов барча абонентларга бирдек жўнатилади, юқорида айтганимиздек, момомизга ҳам, бобомизга ҳам...

Хўш, шундай экан, бу масала нега тегишли мутасаддилар эътиборидан четда, дерсиз. Ҳа энди, бу ёғи бозор...

Гапнинг дангалини айтадиган бўлсак, уяли алоқанинг имконияти кенг экан, бундан унумли фойдаланиш керак. Масалан, нашриётларимиз мобил компаниялари билан ўзаро келишган ҳолда абонентларга *"Ҳаёт фалсафаси" номли янги китоб нашрдан чиқди. Нархи 8000 сўм. Шаҳрингиздаги китоб дўконларидан сўранг"* каби СМС жўнатса, кекса-ю ёшнинг эътиборини тортади. Қаёқдаги *"Зерикдингми, биз билан бирга бўл..."*дан кўра яхши-да, нима дейсиз?

Руслан САБУРОВ,
Навоий вилояти

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ ОСИЁДА ТЕНГСИЗ!

Жанубий Кореяда бадиий гимнастика бўйича давом этаётган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз олтин медалга сазовор бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, болалар ва хотин-қизларни спортга жалб этиш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир. ё

Юртимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган замонавий спорт мажмуалари ўғил-қизларнинг спорт билан шуғулланишига кенг имконият яратмоқда. Спортнинг қизларга хос тури – бадиий гимнастикани оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида мазкур нафис спорт турига қизиқувчи қизлар сони кескин ошиши билан бирга улар орасидан саралаб олинган иқтидорли спортчилар халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, юқори натижаларга эришмоқда.

Жанубий Корея мезбонлик қилаётган Осиё чемпионатида бу жиҳатлар яна бир марта ўз исботини топди.

Нуфузли мусобақанинг жамоавий кўпкураш баҳсларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Елизавета Назаренкова, Анастасия Сердюкова ва Анора Давлатова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Айниқса, Елизавета Назаренкова ва Анастасия Сердюкованинг турли предметлар ёрдамида бажарган машқлари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Е.Назаренкова халқада машқ бажаришда 17,9 балл, тўп билан бажарилган машқлар бўйича 17,5 балл, булавада машқ бажаришда 17,8 балл тўплади. А.Сердюкова эса халқада 17,35 балл, булавада 17,75 балл, тасмада 17,55 балл натижа қайд этди.

Жанубий Корея спортчилари иккинчи, қозоғистонлик гимнастикачилар эса учинчи ўринни эгаллади.

Гуруҳ баҳсларида иштирок этган Луиза Ганиева, Марта Ростобурова, Зарина Қурбонова, Валерия Давидова ва Самира Амировадан иборат терма жамоамиз тасмада машқ бажаришда 16,5 балл, булава ва халқа ёрдамида машқ бажариш бўйича 17,05 балл жамғариб, бронза медални қўлга киритди.

Хитойлик спортчилар олтин, Япония терма жамоаси эса кумуш медал билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ТАЪТИЛ КЎНГИЛЛИ ЎТСИН

Ўқувчиларнинг ёзги таътили ҳам бошланди. Айни дамда хушҳаво табиат қўйнидаги оромгоҳларни болажонларнинг шодон қийқириғи тутган.

Ушбу масканларда болаларнинг мириқиб ҳордиқ чиқариши учун қулай шароит яратиш билан бирга, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Мавсумга тайёргарлик чоғида давлат ёнғин назорати органлари томонидан республика ҳудудидаги барча оромгоҳларда бу борада аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Жумладан, текшириш ва кўриклар давомида муассаса раҳбарлари, мутасаддилари билан тарғибот ва тушунтириш ишлари ўтказилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди. Бундан ташқари, ёнғиннинг олдини олиш, уни ўчиришнинг бирламчи воситаларидан фойдаланишни ўргатиш, тарбиячи ва болалар билан доимий тушунтириш ишларини олиб бориш, викториналар ташкил этиш, суҳбатлар уюштириш, ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналарини тузиш, улар ўртасида мусобақалар ўтказиш каби ишларни олиб бориш мақсадида ҳар бир оромгоҳга ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бириктирилди.

Бундан ташқари, мавсум давомида болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика иш гуруҳи таркибида ички ишлар идоралари, жумладан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари фаолият кўрсатиб, оромгоҳларнинг хавфсизлик ҳолати ва болалар учун яратилган шарт-шароитлар ўрганиб борилади.

Ёзги таътилни хатарсиз ўтказиш ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси қуйидагиларни эслатиб ўтади:

— ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари, ер ости сув олгичлар (гидрантлар), сув ҳовузлари, ички ёнғин ўчириш жўмраклари, мотопомпалар, электронасослар доимо соз ҳолда бўлиши ҳамда уларга, канал ва бошқа сув манбаларига, пирсларга олиб борувчи йўл ва йўлаклар доимо тўсилмасдан сақланиши керак;

— ҳамма бино ва қурилмаларга енгил етиб борилиши таъминланиши зарур;

— бинолар орасидаги ёнғинга қарши оралиқ масофаларда ўтин, кўмир ва бошқа ёнувчан материаллар сақланмаслиги лозим;

— оромгоҳлар ҳудуди ва тўсиқлар ташқариси бўйича 3 м. кенгликда қуруқ ўтлардан (хашаклар) тозаланган бўлиши керак;

— оромгоҳлар ҳудудида шахсий автомобиллар учун сақлаш жойини ташкил этиш тақиқланиши, муассасага тааллуқли хўжалик ишларида фойдаланиладиган автотранспорт воситалари хизмат-маиший зонадаги гаражларда сақланиши лозим;

— кўп қаватли бинолларда, кичик ёшли болаларни биринчи қаватларда жойлаштириш зарур;

— оромгоҳларда гулханни ёқиш махсус тайёрланган ва бинолардан 100 метр узоқликда жойлашган майдонларда рухсат этилиши мумкин. Шамолли об-ҳаво шароитида гулхан ёқиш тақиқланади;

— ўрмонлар, тоғларда катта байрам гулханини ёқиш учун жойлар ўрмон хўжалиги билан келишилиши зарур. Гулхан атрофи 1,4 м. кенгликда чопилиши ва 25 м. радиусда қуруқ ўтдан (хашаклардан) тозаланиши керак, дарахтзорлар яқинида гулхан ёқиш мумкин эмас;

— байрам тугагандан сўнг гулханни сувга бўктириб ўчириш ва тупроқ билан кўмиб ташлаш керак;

— оромгоҳда телефон алоқа воситаси, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда тезлик билан болалар ва маъмуриятни огоҳлантириш учун радиотармоқ бўлиши шарт;

— мавсумга жалб этилган тарбиячи ва ишчи-хизматчилар ёнғин чиққанда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини, ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситаларидан фойдаланиш усулларини мукаммал билиши лозим;

— оромгоҳ раҳбарияти ва тарбиячилар болаларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан бохабар бўлиб, уларга ёнғинни келтириб чиқарувчи турли ўйинлар ва гугурт ёқиб ўйнамаслиги тушунтирилиши керак.

Ушбу тадбирларни амалга оширишда оромгоҳ раҳбарларига жойлардаги давлат ёнғин назорати ходимлари ёрдам беради. Бу чоралар кимгадир арзимас бўлиб туюлар. Аммо унутмаслик керакки, келажагимиз ворислари тақдирига барчамиз масъулмиз ва уларнинг хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш бурчимиз ҳисобланади.

Жалолиддин ҲАКИМОВ,
ИИВ ЁХББ катта муҳандиси, майор

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: J.Ergashev
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **01:45**
Topshirildi — **02:50**
2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 615.
18921 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133